

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

---

---

ФАРГОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.  
ILMIY  
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади  
Йилда 6 марта чиқади

2-2018  
апрель

**НАУЧНЫЙ  
ВЕСТНИК.  
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года  
Выходит 6 раз в год

## Аниқ ва табиий фанлар

## МАТЕМАТИКА

## Х.ҚОСИМОВ, Б.ТИЛЛАБАЕВ

Аралаш каср тартибли интеграллар ва ҳосилалар ..... 5

## ФИЗИКА, ТЕХНИКА

## Д.ЮСУПОВА

“Кейс-стади” методини физика фанига қўллашнинг ўзига хос хусусиятлари ..... 12

## КИМЁ

## М.НУРМАТОВА, С.РАШИДОВА, Д.РАШИДОВА

Пектиннинг полиметаллокомплексларини пахта уруғларининг ўсиши ва ривожланишига таъсири ..... 17

## М.ИМОМОВА, Б.АБДУҒАНИЕВ

Мотор мойлари таҳлилиниң тақомиллашган усуллари ..... 20

## Н.ТЎЛАКОВ, И.АСҖАРОВ, Ю.ИСАЕВ

1`-(п-оксифенил)ферроценкарбон кислота синтези ..... 28

## БИОЛОГИЯ, ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ

## М.ШЕРМАТОВ, Э.БОТИРОВ

Анжир парвонаси (*Choreutis nemorana* Hb.)нинг биологияси ..... 32

## Ижтимоий-туманинтар фанлар

## ИҚТИСОДИЁТ

## Д.ҚУДБИЕВ, А.ТОШПЎЛАТОВ

Ишчи кучи баҳоси, даромад солиғи ва бандликнинг долзарб масалалари ..... 35

## М.АБДУРАХМОНОВА, Б.ТОЛИБОВ

Ўзбекистонда олиб борилаётган ижтимоий сиёsatнинг асосий йўналишлари ..... 38

## ТАРИХ

## У.МЕЛИҚЎЗИЕВ, С.ЮЛДАШЕВ

Сипоҳсолор Бақр Фарғоний ..... 43

## Н.ҲАМАЕВ

“Туркистон” ва “Қизил байроқ” газеталари - Фарғонада шўро тузумига қарши қуролли ҳаракат тарихига оид манба сифатида ..... 46

## А.НИШОНОВ

Султон Сайдхон ҳукмронлиги даврида Фарғона водийси ..... 50

## ФАЛСАФА, СИЁСАТ

## И.АРЗИМАТОВА, Б.РАХМОНОВ

Фуқаролик жамияти шароитида шахсни эстетик тарбиялаш масалалари ..... 53

## Ф.ЮЛДАШЕВ

Жамиятда ёшлар фаоллигини юксалтиришнинг маънавий-ахлоқий негизлари ..... 56

## АДАБИЁТШУНОСЛИК

## Д.ҚУРОНОВ

Драматик асар композицияси ..... 59

## С.РАФИДДИНОВ, И.МАННОПОВ

Ўзбек мумтоз адабиётида ҳикматнавислик анъанаси ..... 66

## Б.МУХТОРАЛИЕВ

Болалар ички олами талқинида фольклорнинг ўрни (А.Обиджоннинг “Кезаргон бойчечак” қиссаси мисолида) ..... 69

УДК: 547.489: 547.469

**1`-(п-ОКСИФЕНИЛ)ФЕРРОЦЕНКАРБОН КИСЛОТА СИНТЕЗИ****Н.Тўлаков, И.Асқаров, Ю.Исаев****Аннотация**

Мақолада ферроценнинг ароматик ҳосилалари ва уларнинг аҳамияти ҳақида сўз юритилиб, ферроценкарбон кислотани *p*-аминофенол билан диазотирлаш реакцияси натижасида янги модда – 1`-(п-оксифенил)ферроценкарбон кислота синтез қилинганилиги ва олинган ушбу кислотанинг тузилиши ИК-спектроскопия методи ёрдамида ўрганилганлиги баён қилинган.

**Аннотация**

В статье излагаются ароматические производные ферроцена и их значение, синтез нового вещества 1`-(п-оксифенил)ферроценкарбоновой кислоты с помощью реакции диазотирования из ферроцена *p*-аминофенола, а также изучение ее строения методом ИК-спектроскопии.

**Annotation**

The article states aromatic derivatives and their significance, the synthesis of the new 1`-(*p*-hydroxyphenyl)ferrocene carboxylic acid by the diazotization reaction of ferrocene *p*-aminophenol, as well as the study of its structure by IR spectroscopy.

**Калим сўз ва иборалар:** ферроцен ва унинг ҳосилалари, диазотирлаш реакцияси, ўринбосар, 1`-(п-оксифенил)ферроценкарбон кислота, ИК спектроскопия.

**Ключевые слова и выражения:** ферроцен и его производные, заместитель, реакция диазотирования, 1`-(п-оксифенил) ферроценкарбоновая кислота, ИК спектроскопия.

**Keywords and expressions:** ferrocene and its derivatives, substitute diazotization reaction, 1`-(*p*-hydroxyphenyl)ferrocenic acid, IR spectroscopy.


Ферроцен ва унинг ҳосилалари кимёси ҳар томонлама ривожланиб бормоқда. Ҳозирги пайтга келиб, ферроцен ҳосилаларни турли соҳаларда қўллашда янги имкониятлар очилмоқда. Ферроцен ҳосилалар асосида бошқа органик бирикмалар асосида олиш имконияти бўлмаган, ўзига хос молекуляр ва кристалл структурага эга бўлган янги материаллар яратилмоқда.

Ферроценнинг ҳосилалари – антидетонаторлар, ювиш воситалари, бўёқлар, ёруғликка сезувчан препаратлар, аналитик реагентлар ва бир қатор бошқа бирикмаларини халқ хўжалигининг турли соҳаларида, шунингдек, тиббиётда ишлатилиш таклиф этилган [1.7-8; 2.7].

Бунинг билан боғлиқ равишда фенил радикали ферроценил гурухи билан узвий боғлиқ бирикма синтезининг технологик схемасини ишлаб чиқиши ва ферроценнинг ҳар хил асослари асосида синтез қилиш, шунингдек, уларнинг биологик фаоллигини ўрганиш ферроцен кимёсининг долзарб муаммоларидан биридир.

Кўпчилик муаллифларнинг ишларида кўрсатилишича, органик молекулага фенил гурухининг киритилиши билан уларнинг биологик хоссалари кучаяди [3.554-557].

Ферроценнинг ароматик ҳосилалари, шу жумладан ароматик кислоталари диазотирлаш йўли билан синтез қилинади. Масалан, ферроценилбензой кислоталари ферроценга карбоксифенилдиазоний тузлари таъсир эттириб олинади [4-6].



Н.Тўлаков – АнДУ кимё кафедраси катта ўқитувчisi.

И.Асқаров – Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ихтирочи, АнДУ, профессори, кимё фанлари доктори.


Ю.Исаев – АнДУ кимё кафедраси мудири, кимё фанлари номзоди.

## КИМЁ

Шунингдек,  
ферроценилбензой

адабиётлардан  
кислотаси *p*-ферро-


ценилбензальдегиддан  
методи бўйича олинганлиги ҳам маълум [7].



Академик  
шогирдлари  
кислоталаридан



А.Н.Несмоянов  
ферроценнинг  
яна бири  
— о-

карбоксибензоилферроценни  
фталангидрид таъсир эттириб синтез  
қилингандар [8].



Ферроценнинг бир қанча ароматик  
кислоталари, жумладан 4-(*p*-ферроценил)-  
оксифенилбутин-2 кислота, 5-(*p*-ферроценил)-  
оксифенил-пентин-3 кислота, 2-оксиметил-5-

ферроценилбензой кислота, *p*-  
ферроценилсалациил кислота профессор  
И.Р.Асқаров бошчилигидага синтез қилингандар [1].





Ферроценнинг карбоксил гуруҳи бевосита  
ферроценил гуруҳи билан боғланган  
кислоталари ҳам синтез қилингандар. Бунда,  
асосан, ферроцен ҳосилаларни оксидлаш  
методларидан фойдаланилади.

Биз, ферроценнинг биологик фаолликка  
эга янги ароматик бирикмаларини синтез  
қилиш мақсадида, ферроценкарбон кислотани  
*p*-аминофенол билан реакциясини амалга  
оширидик.

Ферроценкарбон кислотаси  
моноацетилферроценни оксидлаб олинди.  
Олинган кислотага *p*-аминофенолнинг  
диазоний тузи таъсир эттирилди. Реакция  
маҳсулотининг индивидуаллиги юпқа қатламли  
хроматография усули билан текширилди.  
Синтез қилингандар

ферроценкарбон кислотанинг тузилиши ИК-  
спектрлар ёрдамида ўрганилди. ИК спектрнинг  
1159 ва 1030 см<sup>-1</sup> соҳаларидаги ютилиш  
чизиқлари гетероаннуляр диалмашингандар  
ферроценил гуруҳига мансуб, 3426 см<sup>-1</sup> даги  
куксиз ютилиш чизиги димер ҳолатидаги –OH  
гуруҳларга хос, 2625, 2880 см<sup>-1</sup> соҳалардаги  
ютилиш чизиклари карбоксил гуруҳнинг –OH  
гуруҳига тегишли, спектрнинг 834 см<sup>-1</sup>  
соҳасида 1,4-диалмашингандар беради [9.127-210-  
211-217-215; 10.59; 11.25-27].

Олинган натижаларга кўра реакция тенгламаси қўйидагича деб ҳисоблаймиз:



1-(*p*-оксифенил)ферроценкарбон кислотанинг ИК-спектри.

#### Экспериментал қисм

Муз ҳаммомига жойланган уч оғизли юмалоқ тубли 500 мл. ҳажмли, автоаралаштиргич, томизгич воронка ва термометр билан жиҳозланган колбага 2,18 гр. (0,02 моль) *p*-аминофенол, 20 мл. сув, 15 гр. муз, 2 мл. концентранган хлорид кислота жойланади. Колбага эритмага аралаштириб турган ҳолда 1,5 гр. (0,02 моль) натрий нитритнинг 5 мл. эритмаси томчилатиб қўйилади.

Диазотлаш тугагач, реакцион аралашмага 5 мл. сувда эритилган 0,04 гр. мочевина ва 5 мл. сувда эритилган 0,08 гр. натрий ацетат кетма-кет қўйилади. Шундан сўнг диазоаралашмага 25 мл эфирда эритилган 2,3 гр. (0,01 моль) ферроценкарбон кислота қўшилади, муз ҳаммоми сув ҳаммомига алмаштирилади.

Реакция аралаштириб турган ҳолда 33-35 °С температурада 2-3 соат давом эттирилади. Реакция тугагач, колбада ҳосил

бўлган масса ажратиш воронкасига қўйилади ва сувли қисм эфирли қисмдан ажратилади. Сувли қисм 3 марта эфир билан ювилади. Эфирли қисм ажратилиб, 3 марта сув билан ювилади. Эфирли қисм натрий гидрокорбанатнинг 5 % ли эритмаси ёрдамида экстракция қилинди. Даствабки қўнгир тусли фракциялар хлорид кислотанинг 7% ли эритмаси билан нейтралланди. Ҳосил бўлган чўкма фильтрланди ва қуритилди.

Реакция унуми назарийга нисбатан 60%. Олинган 1-(*p*-оксифенил)-ферроценкарбон кислота колонкали хроматография усулида бензол-ацетон (1:2) аралашмаси ёрдамида ажратилди ва гександа қайта кристалланди. Бунда сариқ рангли кристаллар ҳосил бўлади. Органик эритувчиларда яхши, сувда кам эрийди. Т.с. = 204-205 °С. Умумий формуласи C<sub>17</sub>H<sub>14</sub>FeO<sub>3</sub>.

Шундай қилиб, таркибида ферроцен бўлган янги кислота синтез қилинди.

КИМЁ

**Адабиётлар:**

1. Асқаров И.Р. Производные ферроцена. – Фергана, 1999.
2. Окулов В.Н. Синтез ферроценсодержащих лигандов со стержнеобразной структурой и получение цитотоксичных комплексов рутения на их основе. Автореферат канд. дисс. – М.: 2015.
3. Аскаров И.Р., Киргизов Ш.М., Нуридинова Г.Т. Синтез и изучение антианемического действия *p*-ферроцинилфенола. – Хим.-фарм. журнал. -1988.- №5.
4. Nesmeyanov A.N., Perevalova E.G., Gubin S.P. Electronic properties of the ferrocenyl as substituted. et al. – Tetrahedron let. -№ 22, p.2381. -1966.
5. Franz M. Ferrocene-lablete proteins (III) cobelling of proteins with 3-carboxy-4-ferrocenylphenyl isothiocyanate. Ztschr.Chem.7, p.427. -1967.
6. Shih S.C., Sung H.T., Lee F.C. Synthesis and reactions of *p*-formyl-phenylferrocene. Kohsuen T, ung Pao 1965.p.78-79. -C.A-1965.63.13314.
7. Kondo T., Yamamoto K., Kunade M. 1-Exo- and 1-endo-(trimethylsilyl)-2,3-ferrocenindene. Preparation and methalysis in the presence of ferric choloride. J. Org. Chem. 63, №3, p 347-354 1973.
8. Несмелянов А.Н., Вильчевская В.Д., Кочеткова Н.С. Реакции о-карбокси-бензоилферроцена. 1961. 138, с
9. Л.А.Казицина, Н.Б.Куплетская. Применение УФ-, ИК-, ЯМР- и масс-спектроскопии в органической химии. 2-е издание. Изд. МГУ. 1979.
10. Д.Браун, А.Флойд, М.Сейнзбери. Спектроскопия органических веществ. –М.: Мир, 1992.
11. Абдуллоев О.Ш., Асқаров И.Р., Абдуллаев Ш.Х. Анализ колебательных спектров ферроцена некоторых его производных на основе квантово-химического расчёта // Илмий хабарнома. –Андижон, 2017.–№ 4..

(Тақризчи: А.Ибрагимов, кимё фанлари доктори, профессор).